

## Доим вақти йўқлар учун



09:49 / 04.10.2017 6583

**«Менинг вақтим йўқ».** Бу ҳаётимизда энг кўп ишлатадиган ибораларимиздан. Кимлар учундир – бу бир баҳона. Уларнинг бекорчи нарсаларга вақти топилади, аммо энг кераклигига келганда тугаб қолади.

Кимлар учундир аслида ҳам шундай. Ундай инсон фойдали ва кўп яхши амалларни бажаради.

Вақт етишмаслигининг олдини олиш мумкин! Биз мусулмонлар учун бу ва бошқа масалалар учун динимизда ечим бор.

**Дуо қилайлик.** Баракани зиёда қилувчи, Сахий Зот ягона Аллоҳ таолодир. Аллоҳ таолодан сиз ва атрофимиздагилар учун баракали ҳамда фойдали вақт беришини, ундан унумли фойдаланишни насиб қилишини сўрайлик. Ниятларимизни янгилаб турайлик. Ҳар куни ўзинизга савол бериб, тергаб

турайлик: «Қандай ҳаётда яшамоқчимиз?», «Ҳаётда нимага интилиб яшаймиз?». Ниятларимиз вақтдан унумли фойдаланишимиз учун ҳаётимиздаги энг катта туртки бўлсин.

**Мақсад.** Инсон ҳаёти давомида узоқ муддатли мақсадга муҳтождир. Унинг қиладиган ишлари мақсадига боғлиқ. Асосий ва узоқ муддатли мақсадларимизни аниқлаб олганимиздан сўнг кичик мақсад ва вазифаларимизни белгилайлик ҳамда уларни амалга оширишга ҳаракат қилайлик.

**Ёдимизда бўлсин!** Муваффақият ва устунлик ўз-ўзидан келиб қолмайди. Улар тиниқ фикрлаш ва аниқ режаларнинг натижасидир.

**Ҳаёлимизни тартибга келтириб олайлик.** Вақтдан иложи борица унумли фойдаланиш учун тартиб бўлмоғи керак. Диққат ва эътиборли бўлиш учун кундалик ишларни ёзиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Ибодатимизни, хулқ-атворимизни, маҳоратимизни оширайлик.** Тонгги ибодатимизни вақтида адо қилайлик. Тонг намозида Аллоҳнинг марҳамати, ҳиммати бор. Тонгда вақт ҳам ўзгача марҳаматлидир. Ким бомдод намозини адо қилса, кун давомида фойдасини ҳис қилади. Ҳар бир ишмизни Аллоҳнинг номи ила бошлайлик. Биз мусулмонлар «Бисмиллаҳ» калимасида Аллоҳнинг қанча марҳамати яширинганини аниқ англаб етишимиз лозим. Ишларимизни Аллоҳ номи ила бошлар эканмиз, Ўзига ҳавола қиламиз, Ўзига таваккул қиламиз ва ишларимизда Унинг барокатини топамиз.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

**«Аср билан қасам. Албатта, инсон зиёндадир. Фақат иймон келтирганлар ва солиҳ амалларни қилганлар, бир-бирларини ҳақ йўлга чақирганлар ва бир-бирларини сабрга чақирганлар мустасно».**

*Оиша Биби таржимаси*